

# Оламнинг ниҳояси (1) Қиёмат аломатлари

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-  
Арифий*

**Таржимон:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

**Нашрга тайёрловчи:** *Шамсиддин Дарғомий*

2013 - 1435

IslamHouse.com

# نهاية العالم (١) أشرط الساعة

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ محمد بن عبدالرحمن العريفي

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2013 - 1435

IslamHouse.com

Лаа ҳавла ва лаа қуввата илаа биллааҳ!

Одам боласи қаерга кетди ?!

Баланд-баланд тоғлар қани?!

Мевали дарахтлар қаерда?! Булардан ҳеч нарса  
колмади!

Жўшқин денгизларчи, ёндирилипти! Қани,  
қаерга кетди?!

Уйларга нима бўлди? Қийқиришиб ўйнаётган  
болалар қани? Бу ерларда биз гувоҳ бўлган ҳаёт қани?  
Деярли ҳеч нарсани кўрмайсан!

Новдалари қад кўтарган ям-яшил дарахтлар  
йўқолиб, қуриган ўтинга айланган томирларни  
кўрасан!

Бу уйлар аҳли билан тўлиб-тошган эди, вайрон  
бўлибди, нега бунчалар вайрон?! Бу уйлар, эгаларига  
қадрли эмасмиди? Бу уйлар қанчадан-қанча шодлиг-  
у, хурсандчиликларни ва шунингдек, не-не ғам-у,  
қайғуларни кўрди!

Бу борлиқ қандай йўқ бўлди? Қандай  
ходисалар юз берди ўзи?

Инсонлар қани?! Ҳайвонлар қани?! Дарахтлар  
қани?! Тоғлар қани?! Кемалар қани?! Фабрикалар  
қани?! Қани ҳаёт?! Улардан асар йўқ!

**"(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир.  
Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорин-  
гизнинг юзигина боқий мангу қолур"** (Раҳмон: 26-27).

Ўлмайдиган тирик Зотгина боқий қолур, инсон  
ва жинлар фонийдурлар. Булар қандай юз берганини  
мендан сўраманг! Булар янгилигу, кўққисдан содир  
бўлган эмас. Бу ҳақда Оллоҳ таоло ўз китобида  
келтирган ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва  
саллам уни баён қилганлар. Ҳатто Оллоҳ таоло ўз  
китобида юз беражак воқеалар хабарини биз кўриб  
турган ҳодисалардан олдин берган. Мана бу қуриган  
дарахтлар, метин бу ерни ёриб юборган зилзилалар  
оддий ҳол эмас. Буларнинг барчаси бизга Қуръонда  
хабар берилган.

Жаброил алайҳиссалом Набий алайҳис- солату  
вассалом ҳузурларига инсон суратида келди.  
Саҳобалар олдиға кирган, кимлиги номаълум бўлган

бу киши оппоқ кийимда, мусофирга ўхшамас ва улардан бирортаси уни танимас эди. У кириб, Набий саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг қаршиларига ўтирди, тизасини тиззаларига қилиб, икки қулларини сонларига қўйди. Менга Ислом ҳақида хабар беринг, иймон ҳақида хабар беринг, эҳсон ҳақида хабар беринг, – деди. Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам унга уларни шаҳрлаб берардилар.

Сўнгра буюк бир савол ҳақида сўради, шундай саволики, унга қулоқ тутсак, бу дарахтлар, автоуловлар ва уйларнинг қиссасини билиб оламиз. Нима учун дунё инсонлардан фориф бўлганини биламиз.

Қиёмат (Соат) ҳақида хабар беринг, – деди. Бу буюк саволдир. Бу шундай саволки, Нух алайҳиссалом қавми олдиға чиққанида ундан қачон қиёмат бўлишини сўрашди; Шуъайб қавми орасида юрганда ундан қачон қиёмат бўлади, деб сўрашди; Лут қавми билан ўтирганда ундан қачон қиёмат қоим бўлишини сўрашди; Солиҳ, Худ ва барча пайғамбарларнинг қавмлари уларни битта савол билан машғул қилди, қачон қиёмат қоим бўлади??

Инсонлар фақат қиёматдан олдин юз берадиган бу вайроналарни ва аломатларинигина кўришни хоҳлайдиларми?! У кун учун нима ҳозирлик кўрганларини ўзларидан сўрамасдан-а!

Жабройил Набий алайҳиссалату вас-саломдан: Қиёмат қачон?, – деб сўради. Қачон қиёмат қоим бўлади? Қачон сур чалинади? Қачон қичқирик бўлади? Қачон обод бу ерни хароба ҳолида кўрамиз? Қачон??!

Шунда алайҳиссалату вассалом шундай жавобни бердиларки, барча пайғамбарлар айна жавобни айтгандилар, унга дедилар: "*Сўралган зот сўровчидан кўпроқ билмайди*". Қачон қиёмат бўлишини билмайман, дедилар.

У зот набий, мурсал, мукаррам, хотамул анбиё, тақводорлар сардори, авлиёлар имоми, қиёмат куни одам фарзандларининг саййиди бўлишларига қарамай, Оллоҳ таоло бу сирни ундан махфий қилди. "**Эй Муҳаммад, мушриклар) сиздан (Қиёмат) соатини қачон воқеъ бўлиши ҳақида сўрарлар. Сиз қаердасиз-у, уни зикр қилиб-эслаш (қаерда)?" Сиз билмайсиз, "Уни (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар. Сиз фақат**

**ўшандан кўрқадиган кишиларни огохлантир-гувчисиз, холос. Улар у (Қиёмат соати)ни кўрадиган Кунда (бу дунёда) гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек бўлиб қолурлар!"** (Назиъат: 42-46).

Оллоҳга қасамки, мана бу уй эгалари қиёмат ҳақида сўралганларида билолмадилар. Лекин, ўша кун қоим бўлганда эса, улар бу дунёда гўё бир соатгина ёки чошгоҳ пайтида тургандек бўлиб қолурлар!

Мана бу арава (автоулов)ни минганлар, у билан оламни кезгандилар, ўнгга сўлга борган, ундан фойдаланган эдилар. Улардан қиёмат ҳақида сўрагин, билмаслар. Лекин, улар устида қиёмат қоим бўлади, Оллоҳга қасамки, ва яна қасамки, улар бу дунёда гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек бўлдилар!

Пайғамбар алайҳиссалому вассалом Жаброил алайҳиссаломга дедилар: *"У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билгувчи эмас"*.

У зот мен билмайман, – дедилар. Мендан Ислом ҳақида сўранг, жавоб берай; иймон ҳақида

сўранг, жавоб берай, эҳсон ҳақида сўранг, жавоб бераман, лекин сиз шундай нарса ҳақида сўрадингизки, Оллоҳ таоло пайғамбарлари, фаришталари ва жамики халқларидан яширган масалани сўрадингиз,

*"У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билгувчи эмас", – дедилар.*

Шунда Жаброил: *"Унда, унинг аломатлари ҳақида айтиб беринг", – деди.*

Қиёмат олди нималар юз беради? Қандай воқеалар, қандай ҳодисалар содир бўлади? Соат (қиёмат) яқинлашганини қандай биламиз?! Ундан олдин содир бўлажак аломатлар ҳақида айтиб берингки, ҳатто унга тайёргарлик кўрайлик!

Шунда Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам унга унинг аломатларини айтиб бердилар:

*"Чўри ўзининг хўжайинини тугиши ва ўзлари ялангоёқ, ялангоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз".*



Бир киши айтади: Фалончи узунлиги ярим км бу қасрни (арк, минора) бунёд қилибди, мен узунлиги 600 м бўлган бошқа қаср қураман, дейди. Учинчиси келиб, мен улардан ўзаман, мен яна 50 м баландроғини қураман, дейди. Сўнгра дунё миқёсидаги мусобақа бошланади ва бошқа бир давлатда ундан ҳам узунроқ бино борлигини топишади. Тўртинчиси ва бешинчиси келади, бино қуришда мусобақалашадилар. Айтдиларки: *"Ўзлари ялангоёқ, ялангоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз"*.

Пайғамбар алайҳиссолату вассалом қиёмат аломатлари ҳақида айтиб бердилар. Улар қиёмат олди содир бўлади. Пайғамбар алайҳиссолату вассалом: *"Қиёмат олдидан етти нарсани сананг: Менинг ўлимим"*, – дедилар. Набий алайҳиссолату вассалом ўзларининг ўлимларини қиёматнинг аввалги белгиларидан эканлигини айтдилар.

- Пайғамбар қилиб жўнатилишлари қиёмат аломатларидан ҳисобланади.

- Бозорларда инсонларнинг кўпайиши ва унда ўзаро рақобатлашишлари ҳам қиёмат аломатларидандир.

Қиёматнинг аломатлари кўп бўлиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг хабарини бердилар ва Оллоҳ таоло улардан баъзисини очиқ ва баъзисини унга ишора қилган ҳолатда баён қилди. **"Парвардигорин- гизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас"** (Анъом: 158).

Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедиларки:  
*"Уч нарса борки, улар келса, ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган бўлса, иймони наф бермайди: Тутун, Дажжол ва қуёшнинг кунботардан чиқиши.*

- Қалам ва саводхонликнинг ёйилиши, қиёмат аломатларидан;

- Аёл эрига савдо-сотик ишларида шерик бўлиши қиёматнинг аломатидир;

- Бозорларнинг кўпайиши қиёмат аломатларидан;

- Одамлар қўлида мол-давлатнинг кўпайиши қиёмат аломатларидан;

- Мусулмонлар билан рум ва мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида уруш содир бўлиши ҳам қиёмат аломатларидан бир аломатдир;

- Киши дўсти билан алоқа боғлаб, отасига оқ бўлиши қиёмат аломатларидан;
- Киши аёлига яхшилик қилиб, онасига оқ бўлиши қиёмат аломатларидан;
- Одамларнинг жамоат намозига эътиборсизлиги,
- Хушунинг камайиши қиёмат аломатларидандир.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом ҳарамдан чикдилар ва баъзи асҳобларига шундай дедилар: *"Агар Макка бинолари унинг тоғларига тенглашса, билгинки, бу иш жуда яқиндир"*. Агар Макка бинолари унинг тоғларига тенглашса, билгинки, бу иш (яъни қиёмат) жуда яқиндир, яъни яқинлигидан сояси устингга тушган нарсадай яқинлашибди.

Қиёмат аломатларидан кичиклари бўлиб, улар қиёмат бўлишидан бир замон олдин юз беради ва баъзи жойда бўлиб, бошқасида бўлмаслиги мумкин. Бир қавм уни ҳис қилиб, бошқалари ҳис қилмаслиги мумкин. Баъзи жойда бозорлар кўпайиб, бир-бирига яқинлашади, лекин бошқа ўринда улар кам бўлиши мумкин. Шунинг учун бир нафар ёки бир гуруҳ одамларгина уларни ҳис қилиши мумкин. Лекин улар қиёмат аломатларидандир.

Қиёматнинг катта аломатлари ҳам бор:

- Дажжол, у ер юзида айланиб, кезиб юради, барча одамлар уни ҳис қиладилар, ҳаммалари уни биладилар. Бу катта аломатдир.

- Масих Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг тушиши қиёматнинг катта аломатларидан. У келганида ер силкинади ва унинг келганини инсонлар биладилар. У осмондан тушиб келади, икки қўлини икки фариштанинг қанотига қўйган ҳолда нозил бўлади. Эғнида оч сариқ ва заъфаронга бўялган икки кийими бўлади, худди уни кўриб тургандекман. Ийсо ибн Марям Дамашқнинг шарқий тарафидаги оқ минора олдига тушади. Бу кичик эмас, катта аломатки, инсонлар уни биладилар. У қиёматнинг катта аломатларидандир.

- Махлуқ (ер жонивори), унинг қиссаси нима, хабари қандай, шакли қанақа, нималар қилади? Булар қиёматнинг катта белгиларидандир.

- Яъжуж ва Маъжуж, улар уйларга хужум қилади, уй эгаларига тажовуз қилади ва уларни ўлдирадилар. Кўзларига кўринган ҳаёт манбайини вайрон қиладилар. Уларнинг қиссаси ва хабари нима? Уларни кўрганимиз он нима қиламиз? Улар билан қандай муносабатда бўламиз? Улар ҳам башарми?

Улар одам фарзандими? Биз каби еб, ичадиларми? Яъжуж ва Маъжуж ҳам қиёмат аломатларидандир.

- Учта ер ютиш – биттаси машриқда, иккинчиси мағрибда, учинчиси шу ерда, шу ер – Араб яриморолидаги ер ютиши, у қандай юз беради ва улар юз бердими? Ер ютиши қиёмат аломатларидандир.

- Қуёшнинг ботар тарафидан чиқиши, Оллоҳ уни яратганидан бери одамлар ҳар куни унинг шарқдан чиққанини кўришарди. У машриқдан чиқиб, мағрибга ботарди, лекин тўсатдан унга: келган ўрнингга қайт, дейилади. Шунда у одамларга ғарбдан чиқади. Бу қиёмат аломатларидандир.

- Пайғамбар алайҳис-салоту вассалом дедилар: Унинг охиригиси, аломатларнинг охиригиси, инсонлар уйларида ва аҳллари орасида, роҳатлари ва ҳаётларида хуррам пайтда рўй беради. Айтдиларки: Унинг охиригиси оловдир, у Қоъри Адндан, Яманнинг жанубидан чиқади, у Қоъри Адндан чиқади ва одамларни маҳшарлари сари ҳайдайди. У ҳам қиёмат аломатларидандир.

Во ажаб, аломатларнинг баъзилари содир бўлди ва улардан ҳайратланарлилари энди келади...